

ISSN 2181-8622

Ишлаб чиқариш технологияси
муаммолари
Manufacturing technology problems



**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ**

Том 5
№ Маҳсус сон 1

ISSN 2181-8622

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ
ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ

НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
НАМАНГАНСКОГО ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО
ИНСТИТУТА

SCIENTIFIC AND TECHNICAL JOURNAL
OF NAMANGAN INSTITUTE OF ENGINEERING AND
TECHNOLOGY



Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2019 йилда техника фанлари бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига (Техника фанлари - 05.00.00) №33 рақам билан киритилган.



**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ**

Бош муҳаррир:

О.Маматқаримов - физика-математика фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

А.Обидов - техника фанлари номзоди, доцент

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Т.Рашидов – техника фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги (ЎзР ФА МВАНСМИ);
С.Заифобидинов - физика-математика фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги (АндДУ);
К.Тожибоев - биология фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (ЎзРФА Ботаника институти);
П.Усманов - физика-математика фанлари доктори, профессор (НамМТИ);
Б.Мардонов - физика-математика фанлари доктори, профессор (ТТЕСИ);
Х.Ахмадхўжаев - техника фанлари доктори, профессор (НамМТИ);
Р.Мурадов - техника фанлари доктори, профессор (НамМТИ);
О.Саримсақов - техника фанлари доктори, профессор (НамМТИ);
Н.Бойбобоев – техника фанлари доктори, профессор (НамМҚИ);
Қ.Жуманиёнов - техника фанлари доктори, профессор (“Пахтасановат илмий маркази” ОАЖ);
Р.Дани – профессор (кишлоқ хўжалиги фанлари), (АҚШ, Техас университети)
Қ.Халиқов – техника фанлари доктори, профессор (НамМТИ);
Х.Ибратимов - техника фанлари доктори, профессор (Тожикистон технология университети);
А.Шоёв – техника фанлари номзоди, профессор (Кулоб шаҳридаги технологиялар ва инновацион менежмент институти);
А.Содиқов – иқтисод фанлари доктори, профессор (НамМТИ);
Ш.Саидбоев – иқтисод фанлари доктори, профессор (НамМТИ);
А.Боймирзаев - қиёе фанлари доктори (НамМТИ);
О.Эргашев - қиёе фанлари доктори (НамМТИ);
А.Умаров - физика-математика фанлари доктори, профессор (НамМТИ);
Н.Ибратимов - қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон Ғуза селекцияси ва уруқчилиги ИТИ);
О.Ибратимов - қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор (ФарПИ).

Муҳаррирлар гуруҳи:

М.Абдуваҳидов - техника фанлари номзоди, доцент; С.Юсупов - техника фанлари номзоди, доцент; О.Қазақов - иқтисод фанлари номзоди, доцент; Д.Хошимова – филология фанлари доктори; А.Мирзаев – қишлоқ-хўжалик фанлари номзоди, доцент; Д.Шерқўзиёв – техника фанлари номзоди, доцент, О.Маллабаева – институт илмий бўлими бошлиғи.

Техник муҳаррир:

О.Қодиров – НамМТИ нашриёт бўлими

Таҳририят манзили:

160115, Наманган шаҳар, Косонсой кўча, 7-уй. Тел: 69-223-76-63

“Наманган муҳандислик-технология институти илмий-техника журнали” Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот Агентлигининг 12.10.2015 йилдаги 08-0072 рақамли гувоҳномага биноан чоп этилади.

Ушбу журналда чоп этилган материаллар таҳририятнинг ёзма рухсатисиз тўлиқ ёки қисман чоп этилиши мумкин эмас. Таҳририятнинг фикри муаллифлар фикри билан ҳар доим мос тушмаслиги мумкин. Журналда ёзилган материалларнинг ҳаққонийлиги учун мақоланинг муаллифлари масъулдирлар.



ТИРБАНДЛИК САБАБЛАРИ ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

А.Устабоев, А.Нормирзаев

Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Мақолада муаллифлар томонидан олиб борилган кузатиш ва таҳлиллар асосида Наманган шаҳрининг энг заъжим кўчаларидаги тирбандлиكنи олдини олишга қаратилган илмий ишлар келтирилган. Улар асосида тирбандлиكنи олдини олиш учун шарт-шароитлар режаси келтириб ўтилган. Қандай қилиб бор имкониятлардан ва манжурад шароитлардан фойдаланган ҳолда тирбандлиكنи камайтиришни мумкин бўлган чораларни кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: тирбандлик, ҳаракат, хавфсизлик, ҳодиса, кўча, автомобиль, пйёда, йўловчи, светофор, йўл, автоулов, транспорт, чоррақа, автотураргоҳ, бекат, кенглик.

Статья основана на наблюдениях авторов и анализе исследований, направленных на предотвращение заторов на самых оживленных улицах Намангана. На их основе представлен план действий по предотвращению заторов. Как использовать имеющиеся возможности и условия мер, которые могут уменьшить заторы на дорогах.

Ключевые слова: движение, движение, охрана, происшествие, улица, автомобиль, пешеход, пассажир, светофор, дорога, автомобиль, движение, перекресток, парковка, автобусная остановка, ширина.

The article is based on the authors' observations and analysis of research aimed at preventing congestion on the busiest streets in Namangan. Based on them, an action plan to prevent congestion is presented. We have considered how we can reduce congestion using the available opportunities and conditions.

Keywords: traffic, traffic, security, incident, street, car, pedestrian, passenger, traffic light, road, car, traffic, intersection, parking, bus stop, latitude.

Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисалари профилактикаси тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга барҳам беришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, бунда йўл-транспорт ҳодисаларининг сонини қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, йўллар сифати, шаҳар ва туманларнинг инфратузилмаси йўл ҳаракати хавфсизлигини ишончли таъминлаш талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, ҳаракат широкчиларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун зарур шарт-шароитлар тўлиқ яратилмаганлиги кузатишмоқда.

2018 – 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясига мувофиқ, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл инфратузилмасини тубдан яхшилаш, йўллар сифатини ошириш, шунингдек, йўл ҳаракати широкчиларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 19 май, 377-сон қарорида белгиланган чора-тадбирларни бажариш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда [1].

Чунончи, Наманган илҳояти Наманган шаҳри кундан-кун шарой очиб, ривожланиб бормоқда. Муустақилликга эришганимиздан сўнг шаҳримизда кўплаб замонавий аҳоли турар-жойлари, маънавият-маърифат масканлари, истироҳат боғлари, спорт иншоотлари, кенг ва равио йўллари бунёд этилди. Уларнинг ҳар бири ҳаюда кўп



ва хўб гапирниш мумкин. Аҳоли яшаш шароити юксалиб, маҳалла ва хонадонларимиз куни сайини обод ва кўркем бўлиб бораётир. Масалан, бундан 20 йиллар олдин маҳалла-кўйда санокли енгил автомобил бўлган бўлса, ҳозирда ҳар икки оиладан биттасида автомобил бор [2].

Ҳозирги кунда шаҳримизда енгил, йўловчи ва юк автомобиллари анчагина кўпайиб кетди. Бу сўнгги йилларда шаҳримизда ҳаракатланаётган автоулов қарийб 50 фоизга ошгани кундай равшан. қувонарликки, шаҳримиз кўчаларида ҳаракатланаётган автомобилларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилаётган енгил, юк ва йўловчи ташиниша мўлжалланган транспорт воситаларидир.

Транспорт - агроф муҳитни инфослантирувчи манбаларидан бири бўлиб, тирик организмларнинг фаолиятида турли хил жиддий ўзгаришларни келтириб чиқарадиган донимий органик инфослантирувчи моддалар ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади [3,4].

Тирбандликда турган транспорт воситаларининг агроф-муҳитта жуда катта таъсири этади, улардан чиқаётган захарли газлар миқдори бир жойда тўпланиши салбий оқибатларга олиб келади. Бу одамларнинг саломатлиги маҳаллий даражаларда юз беради, чунки ҳар қандай киши кундалик ҳаётида доним транспорт воситалари билан боғлиқ бўлади [4,5].

Автотранспорт воситалари сонини ва сифати ошгани сайини, шаҳримизда унга монанд йўллар қуришмоқда, йўл инфратузумлари замонавий технологиялар билан жиҳозланмоқда.

Жорий йилда "Наманган муҳандислик-қуриш институтини" мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Наманган вилояти Ҳаракат Хавфсизлиги бошқармаси вакиллари билан ўзаро давра суҳбатлари олиб борилди. Бунда шаҳримиздаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўллардаги тирбандликларни олдини олиш ва пиёдалар ўтиш жойларидан ўтаётганда хушёрлигини ошириш масалалари кўрилди.

Шаҳримиздаги транспорт воситалари сонининг ортиб бориши йўл-коммуникация тармоқларида муайян ўзгаришлар қилиш заруратини тугдирмоқда. Жумладан, Ислон Каримов кўчасида, Сардоба, Лола ва Чорсу бозорлари чорраҳасида транспорт воситалари кўплиги ва тартибсиз ҳаракати натижасида тирбандликлар эрталабдан то кечки соат 21:00 гача кучайиб бормоқда. Аҳолини ишга, ўқишга ва уйига кетишида йўлда вақт йўқотишига, шаҳримиз экологиясини ёмонлашишига олиб келади. Бундай ҳолат, ўз навбатида транспорт ҳамда пиёдалар ҳаракатида тирбандликни юзага келтириши, йўл-транспорт ҳодисалари хавфининг ортишига сабаб бўлиши мумкин.



1-расм. Сардоба бозори олдидаги чорраха.



Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мутасадди ташкилотлар ва ЙХХБ вакиллари туғу-қуи ўл меҳнатларини аямай хизмат кўлмоқдалар.

Сардоба бозори олдидаги чоррахани (1-расмга қаралсин) тартибга солиш учун кўпчиликни фикри ўрганилганда йўл устида йўловчилар учун кўприк қуришни айтишмоқда. Бу қўлида юки билан бозордан чиқаётган, ёши катталар, ногирон, ёш болалари ва оғирроқ аҳолига анча қийинлик туғдиради.

Наманган шаҳрининг Алишер Навоий кўчасидаги Сардоба чоррахасида автобус ва йўналиш таксилари тўхташ таъқиқланган жойда ҳам йўловчи олинди одатий ҳолга айланган [6].

Йўл ҳаракати қондаларига зид бўлган ушбу вазият туфайли йўналишда донм тирбандлик юзага келмоқда. Худди шундай манзара Марғилон кўчасида ҳам мавжуд. Ушбу манзилда ҳатто пиёдалар йўлакларига ҳам турнакатор автомобилларни учратилиши мумкин.

Агар ҳар бир чорраҳада қузатилган тирбандликни олдини олиш учун кўприк қураверсак унда давлатни қўнтагини кемириб ташлаймишқу. Ундан кўра бор имкониятлардан ва мавжуд шароитлардан фойдаланган ҳолда бу тирбандликни 50% гача камайтиришимиз мумкин. Бунинг учун Сардоба бозори олдида ва орқа тарафларидаги мавжуд жойларни эътиборга олган ҳолда ушбу таклифни кўриб чиқамиз (2-расм).

Жумладан:

1. 1-расмдан кўриниб турган бозор олдида яқинлашишдаги пиёдалар ўтиш йўлакларини олиб ташлаш керак.
2. Бозор ёнига кириш кўчасини бир тарафлама йўлга айланттириш керак.
3. Бозор ташқарисидagi растани (олди томонидагини) йўловчиларни тушириш ва чиқариш бекатига айланттириш лозим.
4. Бозор ташқарисидagi растани (орқа томонидагини) автотураргоҳга айланттириш, натижада мавжуд автотураргоҳни кенгайтириш имконини беради. Бу жа йирик савдо марказига ташриф бузрувчилар учун тўхтаб туриш жойларини қайта ташкиллаштириш (қуриш), йирик бозорлар, истироҳат боғлари ва турар жой массалари ёнида бепул автомобиль тўхтаб туриш жойларини тубдан ташкил этиш чора-тадбирлари орқали эришиш мумкин.




2-расм. Узгартириладиган ҳудудлар.

Буларни ўзгартиришга асосий сабаб 1-расмдан кўриниб турибдики асосий тирбандлик сабабидан келиб чиқиб - бозор тирбандликни олдини олиш учун, келтириб чиқараётган сабабларни олиб ташласак тирбандлик 50% гача камайиши кутулмоқда.



3-расмдан кўриниб турибдики бозор олди томони ташқи растаси 10 м кенглик ва орқа томони растаси 20 м кенглик 140 м узунликдаги жой бозор режасида кўзда тутилмаган расталар билан банд бўлиб ётибди. Балким бу расталарда фаолият олиб борувчилар савдо қилишга рухсатномаси бўлмаган, тегишли органлардан рўйхатдан ўтмаган тадбиркорлар бўлиши ҳам мумкин.

Буларга тегишли равишда бозор ҳудудидан жой ажратилиши ёки умуман йўқотиши зарур. Ҳозирги замон шиддатли ривожланиётган, кўп қаватли “Макро” ва шунга ўхшаш савдо уйлари қурилаётган бир патда, ҳали-ҳам бизнинг илҳоятимиз маркази бўлган Наманган шаҳри бозорларида ноқонуний тадбиркор (ёйма)лар фаолият олиб бормоқда.



3-расм. Бозор ҳудуди

Агарда бу ўзгаришларни бозор маъмурияти, тегишли ташкилотлар ва ЙХХБ вакиллари билан амалга оширилса, йўловчи ташвиш билан шугулланувчиларга, бозорга маҳсулот олиш учун келган аҳолига ва йўловчиларга анча қулайлик яратилган бўларди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун йўл ҳаракати иштирокчиларининг жавобгарлигини кучайтириш орқали муаммони ечимга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги “Ўзбекистон республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 377-сон қарори.

2. http://shtx.uz/index.php?option=com_k2&view=item&idq361:yo-llarda-tirbandlikni-bartaraf-etish-mavjud-avtomobil-yo-llarini-yanada-kengaytirish-yangi-yo-l-va-ko-prklar-qurishni-talab-qiladi&Itemidq1059&languz

3. Шелмаков, С.В. Экотранспорт: учеб. пособие. – М.: МАДИ, 2018. – 160 с.

4. А.Нормирзаев, А.Устабойев, А.Сагдаров. Экологик транспортни ривожлантиришнинг афзалликлари. “Замонавий ишлаб чиқаришнинг иш самарадорлиги ва энергоресурс тежамкорлигини ошириш муаммолари” маълумотидаги Халқаро илмий-амалий анжумани. 3-4 октябрь 2018 йил, Андижон. 146-148 бетлар.

5. А.Р.Нормирзаев, А.Р.Устабаева, Б.М.Хайдаров. Особенности городского движения. “Фаргона водийси ёш олимлари” III ҳудудий илмий анжумани. НамДУ-2019. 232-235 бетлар



ISSN 2181-8622



9 772181 862203